

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН
БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАКТИКАСИ

М.Р.Раббимов

Ички ишлар Вазирлиги Академияси Зўқув курси 303 гурӯҳ курсанти

А.О.Ибодуллаев

Ички ишлар Вазирлиги Академияси Зўқув курси 303 гурӯҳ курсанти

Аннотаци я: Мазкур мақолани ёзишдан мақсад босқинчилик жиноятларига қарши қаратилган жиноятларга қарши курашиш уларнинг олдини олиш фаолияти билан халқимизни таништириш, жамиятимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш хамда жинсий жиноятларнинг тушунчаси ва бугунги қундаги холати, ҳуқуқий асослари баён этилган.

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республиктаси қонунлари, Вазирлар маҳкамаси қарор фармойишлари, Олий мажлис томонидан қабул қилинган ҳукумат қонун ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш, қарорларидан фойдаланилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ўз хизмат вазифалароини вижданан ситқидилдан бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини

берди1.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора қучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодлиқдан маҳрумэтиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини бапжариш орқали жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларни олдини олишга эришилади. Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан (қонун билан махсус ваколат берилган) соҳавий хизматлар қонун ҳужжатларига муюғиқ ўтказиладиган тезкор қидирув тадбирлари орқали жинсий эрокинликка қарши қаратилган жиноятларнинг олди олинади.

Асосий қисм

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган боскинчилик жиноятларнинг содир этилишилари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқатвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги мулкий тупдаги жиноятлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласидиган омиллар оиласидаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг келиб чиқишида оиласидаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Ички ишлар органлари ходимлари тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Амалиётда кўп ҳолларда, ички ишлар органлари

ходимлари томонидан жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсни қандай бўлмасин яраштириш учун ҳатти-ҳаракатлар қилиш ҳолатлари қўплаб учрамоқда. Айниқса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган тухмат ва ҳақорат қилиш ҳолати бўйича қўзғатилган маъмурий ишлар судгача етиб бормасдан, ариза берган тарафни ўз аризасини қайтариб олишга ундаш ёки яраштириш билан якунлаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Афсуски, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги оила турмуш доирасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликларнинг латентлик даражаси ошиб кетиши ҳамда такрорланишига олиб келмоқда. Натижада айрим ҳукуқбузар шахслар содир этган ҳатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасдан колмоқда. Шу билан биргаликда жамиятда товламачилик жиноятларининг кўп холларда латент бўлиб қолиши мақлум бўлиб қолмода бунга асосий сабаб, товламачининг ҳам жабрланувчининг ҳам манфаатлари мавжудлигини эътироф этиш зарур.

Боскинчи тамонидан дўқ қилиш, зўрлик ишлатиш ва кўрқитиш орқали амалга ошириладиган қилмишdir. Боскинчилик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Боскинчилик жиноятини обьекти ўзгаларнинг мол-мулки, мол-мулкка бўлган ҳукуқи, жабрланувчи бўлган шахсларнинг хаёти соғлифи,

Мол-мулк, мол-мулкка бўлган ҳукуқ, мулкий йўсиндаги ҳаракатлар (муайян ишнинг бажарилиши хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) товламачилик жиноятининг предмети бўлиши мумкин. Айбдор товламачиликни содир этаётиб мулкка бўлган ҳукуқни талаб қилмай, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳукуқини талаб қилиши ҳам мумкин.

Товламчиликнинг предмети фақат ўзганинг мол-мулки ёки унга бўлган ҳукуқи бўлиши мумкин.

Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиб, унинг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобут қилиш ёхуд жабрланувчи сир сақланишини хоҳлаган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг манфаатларига хавф соладиган вазиятни вужудга келтириш йўли билан шахс жабрланувчини унда турган (масалан қарзи, кредитга олган, вақтинча сақланиб турган ва ҳ.к) ўзининг мол-мулкини беришга мажбур этганида у ўзганинг мулкини товламачилик йўли билан талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бундай қилмиш, қонунда назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, ўзбошимчалик деб хисобланади.

Мулкий ўсиндаги ҳаракатлар деганда, ҳақи тўланиши лозим бўлган ҳар қандай ишларни бажариши ёки хизматлар кўрсатиш (иморатлар қуриш, уларни таъмирлаш, автомобиларни таъмирлаш, товар-моддий бойликларини ташиб бериш ва ҳ.к.) тушунилади.

Объектив томондан товламчилик ўзгадан мулкни ёки улкий ҳукуқни

топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсингаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилишдан иборат.

Қўйидагилар:

1) жабрланувчи зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;

2) мулкка шкаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан қўрқитиш;

3) жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган хуқуқини беришга мажбур қиласиган шароитга солиб қўйиш боскинчиликни содир этиш ҳисобланади.

Талаб деганда, боскинчи жабрланувчидан мол-мулк ёки мол-мулқдан ўз мулкидай фойдаланиш хуқуқини берувчи хужжатларни тақдим этишини талаб қилиши тушунилади. Мол-мулкни талаб қилиш, албатта, боскинчиларнинг талабини рад этганлик учун ўч олиш мақсадида қўрқитиш билан бирга содир қилинган бўлиши керак

Талаблар пул олиш, ердан, дўкондан, автомабилдан фойдаланиш хуқуқини қўлга киритиш, товламачини шерик сифатида мунтазам дивиденклар ва бошқа мулкий манфаатлар олиши учун кооператив, корхона аъзоларига киритиб қўйиш қўринишида бўлиши мумкин.

Мулкий манфаатлар беришни талаб қилиш деганда, жабрланувчининг ўз хизмат ваколатларига қўра у ёки бу шахсга унинг муҳтожлигига қараб ёхуд белгиланган қоидалар ёки норматив хужжатларга биноан бериш хуқуқига эга бўлган манфаатлари тушунилади. Жумладан, товар моддий бойликларини новбатсиз ажратиш, қўшимча тўловларсиз товар олиш, ўз корхонасидаги бўш лавозимларга тайинлаш тушунилиши керак.

Боскинчилик содир этишда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда уриш, зарба бериш, баданга, ўртacha оғир ва оғир шикаст етказиш таҳди билан қўрқитиш агар айбдорнинг талаби бажарилмаса, шундай зўрлик ишлатиш хавфи мавжуд бўлиши тушунилиши керак. ЖК 164-моддасининг диспозициясида уларнинг ҳаммаси қўрсатилган ва бундай қилмиш содир этилганида шахсга қарши жиноятлар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Боскинчилик қўрқитишга қўйидаги: биринчидин, ўзида жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш, мулкка зарар етказиш яъни агар жабрланувчи, боскинчининг талабларини бажармаса таҳдид амалга оширилиши мумкинлигидан хавотир бўлиши кераклиги каби аломатларга эга бўлиши лозим. Жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг хусусияти ва жадаллиги қандай қабул қилинганлиги жиноятнинг квалификациясига таъсир қўрсатмаслииги лозим.

Қилмишни товламачилик, деб квалификация қилишда таҳдиднинг кимга – бевосита мулк эгасига ёки жабрланувчига яқин кишиларига қаратилганлигининг аҳмияти йўқ.

Субъектив томондан боскинчилик тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни содир этишдан мақсад – (мол мулкка ега булиш)дир.

Қилмишнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин, аммо улар жиноятни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахсдир.

Жамоат хавфизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ИИОнинг энг устувор вазифалари жэтиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегиясида хам жиноятчиликка қарши кураш асосий мақсадимиз бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлизилигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносаб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. 2022-йил 28-январда қабул қилинган Тараққиёт Стратегиясида хам мамлакатимизни янада ривожлантириш ҳалқимизнинг яшаша тарзини янада яхшилаш фуқароларнинг хавфизлигин таъминлаш жиноятчиликни олдини олиш борасида 7 та устувор йўналиш ва 100та мақсадлар орқали давлатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган истиболи белгилаб олинди.

Хуроса

Эндиликда фуқароларнинг яшаш хонадоларида содир этиладиган боскинчилик жиноятлари жабрланувчининг соғлиғига шикаст ётказиш мол мулкини нобут килиш каби холатлар. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини қучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлизилигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбай, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносаб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат

жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шарти — бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидир. Қонунларнинг бир хилда ва сўзсиз бажарилиши бўлажак ҳуқуқшуносларимизнинг ўз вазифасига муносабати ва зиммасидаги масъулиятни ҳис қилишига боғлиқдир, Айниқса, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларнинг бўлажак ходимлари, ҳуқуқшуносларга жиноят таркибий элементлари, жиноятлар таснифи, жавобгарлик асослари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, жазо тушунчаси, турлари, жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, судланганлик, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари каби мавзулар талабаларга тушунарли, содда ва равон тилда баён қилиб берилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Тошкент 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 октябрдаги “Боскинчилик Уғирлик талончилик товламачилик доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 15-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарори.
4. Исмоилов И.А. Боскинчилик жиноятларини олдини олиш буйича. //Ж. Қонун ҳимоясида.-2003.-№ 6 (90). – Б. 33-35.
5. Базаров О.С. Боскинчилик жиноятлари учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-жиноятпроцессуал қонунининг ҳуқуқий асоси сифатида. Илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ. 2009, -Б.258-263.
6. Ўзбекистон республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” ЎРҚ-371 сон қонуни
7. Ўзбекистон республикаси жиноят кодекси маҳсус қисмига шарх

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-5 (30-May)**

(М.Х.РУСТАМБАЕВ)